

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мусулмон бўлган ота-ўғилга йиғлашлари



11:03 / 17.11.2018 4544

Имрон ибн Ҳусайндан ривоят қилинади: «Бир куни қурайшликлар отам ҳузурига келишди. Улар отамни ҳурмат қилишар ва ўзларининг катталари деб билишар эди. "Биз учун у одам (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалам) билан гаплашиб қўй! У бизнинг олиҳаларимизни ҳақорат қиляпти", деб сўз бошлашди улар».

Барчалари тўпланиб, бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишди ва кулбаларининг эшиги яқинига ўтиришди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам отам Ҳусайнни назарга олиб, бизга илтифот қилдилар:

"Ҳусайнга жой бўшатинглар!"

Мен ҳам, бошқа асҳоблар ҳам отамни жуда ёмон кўрар эдик. У гапира бошлади: "Сен ҳақингда эшитганим у сўзлар нима? Сен олиҳаларимизни ҳақорат қилаётган эмишсан, ҳолбуки, отанг бу борада ҳақни ҳимоя қиладиган, яхши бир киши эди".

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

"Эй Ҳусайн! Албатта, менинг отам ва сенинг отанг оташдадирлар! – дедилар. Сўнгра: "Эй Ҳусайн! Нечта маъбудга сиғинасан?" деб сўрадилар.

Ҳусайн:

"Ердаги битта ва кўкдаги еттитага", деб жавоб қилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

"Сенга бирор зарар келса, қай бирига дуо қиласан?"

"Кўкдагига".

Яна савол бердилар:

"Мулкинг талофат кўрса, қай бирига дуо қиласан?"

"Кўкдагига".

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар:

"Сенга фақат ва фақат Аллоҳга ибодат қилиш вожибдир! Ҳолбуки, сен Унга ширк қўшяпсан. Шукрда сен Уни рози қиляпсанми ёки сенга ёлиб бўлишидан қўрқяпсанми?"

"Йўқ, булардан ҳеч бири эмас, – деди Ҳусайн ва сўзида яна давом этди: "Мен Сен каби сўзлай олмаслигимни тушуниб етдим".

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Эй Ҳусайн! Мусулмон бўлгин, омонлик топасан!"

"Менинг қавмим ва уруғ-аймоғим бор. Уларга нима дейман?"

"Аллоҳим! Ишларим тўғри бўлиши учун Сенинг ҳидоятингни сўрайман. Аллоҳим, менга фойда берадиган илмимни орттир", деб айтгин».

Хусайн бу дуони ўқиди. Муслмон бўлиб ўрндан турди. Мен отамнинг ҳурмати учун оёққа турдим. Унинг боши, қўл-оёқларини ўпдим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳолатни кўриб йиғладилар ва: "Хусайннинг ўғли Имрон қилган ишга йиғлаяпман. Хусайн ичкарига кофир ҳолида кирганида Имрон ўрндан турмади, ҳаттоки у томон қайрилиб ҳам қарамади. Хусайн муслмон бўлганида эса унинг ҳаққига риоя қилди.

Имроннинг бу ҳаракатидан тўлқинланиб, йиғладим", дедилар. Хусайн кетмоқчи бўлганида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига дедилар:

"Ўринларингиздан туриб, Хусайнни уйигача кузатиб қўйинг!"

Хусайн ташқарига чиққан эди, қурайшликлар унинг бу ҳолатидан жаҳллари чиқди ва тўнғиллаб ҳақорат қилишди. Кейин қайтиб кетишди".

“Пайғамбаримизни йиғлатган ҳолатлар” китобидан